• Фармон ва ижро

# НИМА, ОТАНГИЗНИНГ МОЛИМИДИ, НАСИЯГА БЕРАСИЗ?!.

**Тўловга қобилиятсиз истеъмолчиларга товар бериш жамият мулкини талон-торож қилишдир ва бундай «ҳотамтой» раҳбарлар, албатта, жазо олишади**

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони тўлов интизомини мустаҳкамлаш, ҳисоб-китобларни ўз вақтида таъминлаш, вазирликлар, концернлар, корпорациялар ва уюшмалар, корхона ва ташкилотлар, банклар раҳбарларининг масъулиятини ошириш, хўжаликлар банкрот бўлишининг олдини олиш йўлларини ўзида мужассамлаштирган. Ушбу ҳужжатнинг бажарилишини таъминлаш, корхона ва ташкилотларнинг ўзаро қарзларини камайтириш учун республика ҳукумати ва Марказий банк томонидан бир қатор тадбирлар амалга оширилди.***

Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 12 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигида векселларни қўллаш тўғрисида»ги қарори билан тижорат банклари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи ҳамда уни қайта ишловчи корхоналар векселлари муомалаға киритилди. Бу эса хўжаликларга ҳар томонлама қулайлик туғдириб, сезиларли иқтисодий самара берди. Биринчидан, республика хўжаликларининг вақтинчалик (муомалада бўлиш даврида) оборот маблағлари тахминан 1,5 миллиард сўмга кўпайди. Иккинчидан, корхона ва ташкилотлар банкнинг иштирокисиз, тўғридан-тўғри ҳисоб-китобларни амалга ошириш имкониятини берадиган тўлов воситасига эга бўлдилар. Учинчидан, вексел муомаласини тўғри ташкил этиш ва векселларнинг индоссаментлар ёрдамида кўп марталаб қўлдан қўлга ўтиши эвазига корхоналарнинг 52 миллиард сўмдан кўп ўзаро дебиторлик қарзларини камайтиришга эришилди.

Хўжаликларнинг ўзаро қарзларини камайтириш учун анъанавий услублардан ҳам фойдаланилмоқда. Ўтган йил мобайнида банк вазирлик ва идоралар, жумладан, Президент девонининг Назорат инспекцияси, Молия вазирлиги, республика прокуратураси, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда тижорат банклари, корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда мунтазам равишда ягона молиявий ҳисоб-китоблар ва ялпи текширишлар ўтказилиб, айбдор вазирлик, концерн, корпорация ва уюшмалар, банклар, корхона ҳамда ташкилотлар раҳбарларига нисбатан маъмурий ва интизомий жазо чоралари кўрилди.

Республика Прокуратураси томонидан хўжаликлар ўртасидаги ҳисоб-китоб аҳволини ўрганиш бўйича ўтказилган текширишлар якунлари бўйича Фармон талаблари бажарилмаган 246 ҳолат аниқланди. Шулардан 20 таси юзасидан тақдимнома киритилди, 34 таси бўйича ёзма кўрсатма берилди, 131 нафар мансабдор шахс огоҳлантирилди, 38 нафари маъмурий, 17 нафари интизомий жавобгарликка тортилди ва 16 нафари устидан жиноий иш қўзғатилди.

Давлат солиқ қўмитаси идоралари томонидан Фармоннинг 4-бандига мувофиқ муддати ўтган дебиторлик қарзларига йўл қўйган ҳамда олдиндан 15 фоиз ҳақ олмасдан туриб маҳсулот жўнатган айбдор корхона раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерларига нисбатан тегишли маъмурий ва жарима солиш чоралари қўлланмоқда. Жумладан, Фарғона вилоятида ўтказилган текширишлар натижалари бўйича 7 нафар масъул ходимнинг ҳар биридан 750 сўмдан, жами 5,2 минг сўм жарима ундирилди. Шунингдек, айбдор бўлган масъул шахслардан Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 52 нафарига 39,9 минг сўмлик, Андижон вилояти бўйича 19 нафарига — 30 минг сўмлик, Хоразм вилояти бўйича 13 нафарига — 10 минг сўмлик ва Тошкент шаҳри бўйича 171 нафарига — 136 минг сўмлик жарима солинди.

Шунингдек, дебиторлик-кредиторлик қарзлари ўсишига йўл қўйган «80-автокорхона» акциядорлик жамияти, «Олмалиқсавдо» акциядорлик жамияти, «Олтинтопган» ишчи таъминоти бўлими, «Темирбетон» акциядорлик жамияти директори ва бош ҳисобчисига тижорат банкларининг топширган материаллари асосида Олмалиқ шаҳар прокуратураси томонидан бешта энг кам ойлик маош миқдорида жарима солинди.

Самарқанд вилоятидаги «Каттақўрғоннон» акциядорлик жамияти раҳбарлари «Каттақўрғон» савдо-ишлаб чиқариш жамиятига бу хўжаликнинг тўловга қобилиятсиз деб эълон қилинганлигига ва 2,3 млн. сўмлик дебиторлик қарзи бўлишига қарамасдан, 169 млн. сўмлик нон маҳсулотлари жўнаттани учун прокуратура идоралари томонидан маъмурий жавобгарликка тортилди.

Декабрь ойининг ўзида биргина Фарғона вилояти банк бўлимлари томонидан дебиторлик қарзлари ўсишига йўл қўйган 65 та корхона ва ташкилот устидан уларга нисбатан жазо чоралари қўллаш учун прокуратура ва солиқ идораларига маълумотнома топширилди.

Бешариқ «Тайёрловсавдо» идораси Саратов шаҳридаги «Карина» кичик корхонасига 0,2 млн. сўмлик, Южно-Сахалинск шаҳридаги «Лазурит-норт» корхонасига 0,8 млн. сўмлик, Вологда шаҳридаги «Ома» кичик корхонасига 0,1 млн. сўмлик, Самара шаҳридаги савдо бирлашмасига 0,1 млн. сўмлик пиёз жўнатган, аммо истеъмолчилар шартнома шартларини бузиб, жавобан маҳсулот жўнатмаганлар. Бешариқ банк бўлими томонидан декабрь ойида 11 та ана шундай корхона устидан туман прокуратураси ва солиқ идорасига маълумотнома берилди.

Тошкент вилояти Бўка туманидаги «Ўзқишлоққурилиш» ташкилоти 17-сонли механизациялашган кўчма колоннасининг — 2 млн. сўмлик ва «Ўзжамоахўжаликқурилиш» 18-сонли механизациялашган кўчма колоннасининг 3,1 млн. сўмлик муддати ўтган дебиторлик қарзларини ундириш учун чора-тадбир кўрилмаганлиги юзасидан банк 17 ноябрда туман прокуратурасига маълумотнома берди.

Жунга биринчи ишлов бериш Келес фабрикасининг дебиторлик қарзлари таҳлил қилинганда, улар миқдори 1 июлга нисбатан 0,7 млн. сўмдан ошганлиги ва 1 октябрга келиб 5,5 млн. сўмга етганлиги, шундан 4,8 млн. сўми муддати ўтган қарзлар эканлиги аниқланди. Бунинг асосий сабаби бартер шартномалари шартларининг бузилишида. Тошкент тумани солиқ идорасининг қарорига мувофиқ муддати ўтган дебиторлик қарзларини ундириш учун чора кўрмаганлиги, Фармон талабларини бажармаганлиги туфайли фабрика директорига бешта энг кам ойлик маош миқдорида жарима солинди. Тўловларни ўз вақтида ўтказишда асоссиз кечикишга йўл қўйган 11 та тижорат банки филиали раҳбарлари эгаллаб турган лавозимидан бўшатилди.

Ўтказилган тадбирлар натижасида республика бўйича муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг анча камайишига эришилди. Жумладан, ўтган йилнинг 1 июлида хўжаликларнинг муддати ўтган дебиторлик қарзлари республика бўйича 47,7 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 1 декабрда 27 млрд. сўмни ташкил қилди.

Бироқ шунга қарамасдан, республикада хўжаликларнинг тўлов интизоми аҳволи ёмонлигича қолмоқда. Бундай салбий ҳолат вужудга келишининг асосий сабабларидан бири — ҳанузгача айрим корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари бозор шароитида ишлаш тартибларини тўла англаб етмаганликлари, корхона маблағларига нисбатан ўта маъсулиятсиз муносабатда бўлаётганликлари, уларни беҳудага совураётганликлари, жўнатилган маҳсулотлари ҳақини ойлаб, йиллаб олмаётганликларидадир. Пировардида катта миқдорда дебиторлик қарзлари вужудга келиб, ундирилмай қолмоқда.

Фармонга хилоф равишда, олдиндан 15 фоиз ҳақ ундирмай маҳсулот жўнатишни давом эттираётган айрим корхона ва ташкилот раҳбарлари ҳамон жазоланмаяпти. Кўплаб корхона раҳбарлари иш услублари ва йўл-йўриқларини ҳали ҳам ўзгартирмадилар, ўзаро ҳисоб-китоблар соҳасида юзага келган аянчли аҳволнинг туб сабабларини тушуниб етмаяптилар.

Шуни таъкидлаш лозимки, дебиторлик қарзларининг анча қисми акциядорлик жамиятлари қарзидан иборат. Акциядорлик жамиятларининг кенгашлари хўжалик юритишнинг замонавий шакллари ва усулларини танлашда журъатсизлик қилмоқдалар. Корхона раҳбарларига нисбатан талабчанликни кучайтирмай, олдиндан ҳақ ундирмай маҳсулотни бериб юбориш ҳолларига йўл қўйилаётганлиги юзасидан уларнинг масъуллигини мунтазам муҳокама қилмаяптилар.

Айрим корхона ва ташкилотларнинг ўзаро қарзлари кўпайишини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, вужудга келган ҳолатнинг асосий сабаби тайёр маҳсулот олдиндан 15 фоиз ҳақ ундирмай жўнатилишидадир. Талайгина корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари қонунбузарликка йўл қўйиб, республикадан ташқарига ва тижорат тузилмаларига, яъни тўловга қобилиятсиз харидорларга уларнинг молиявий аҳволи тўғрисида маълумотга эга бўлмасдан, баъзида эса истеъмолчи корхонанинг тўловга қобилиятсизлигини била туриб, суиистеъмолчиликка йўл қўйиб, ўз шахсий манфаатини давлат манфаатидан устун қўйиб, товар жўнатганлар.

Фармон — бу қонун. Қонун олдида эса ҳамма бирдай жавобгар. Фармоннинг талабларини бузиб, олдиндан ҳақ ундирмай, товарларни тўловга қобилиятсиз истеъмолчиларга бериб юбориш жамоа мулкини, жамият мулкини талон-торож қилиш демакдир.

Республика аҳолиси, хўжаликлар жамоалари аъзолари, барча муштарийлар шуни билиб қўйишлари лозимки, олдиндан камида 15 фоиз ҳақ ундирмай маҳсулотларни бериб юбориб, кейин узоқ муддат мобайнида қарзларини ундиролмай юрган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари кўп ҳолларда халқни банк пул бермаяпти деб алдаб келмоқдалар. Корхонанинг ҳисоб варағида, яъни банкдаги «чўнтагида» пули бўлмаса, Марказий банк ҳам, тижорат банклари ҳам бир сўм ҳам пул бера олмайди.

Марказий банк томонидан товарлар билан таъминланмаган ҳолда чиқарилган ҳар қандай миқдордаги пулнинг оддий қоғоздан фарқи бўлмайди, аксинча, у ишлаб чиқаришнинг ривожланишига тўсқинлик қилади, иқтисодиётнинг молиявий жиҳатдан ёмонлашишига, бозордаги товарлар баҳосининг ошишига олиб келади. Қисқаси, халқнинг турмуш даражасига ниҳоятда салбий таъсир кўрсатади. Аксинча, муомалага чиқарилган пул қанчалик кўп ва тез айланса, шунчалик иқтисодиётнинг барқарорлашувига эришилади.

Корхона ва ташкилотларнинг ўзаро дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг кўпайиб бориши тўлов интизомининг издан чиқишига, пулнинг муомалада айланиши секинлашувига, унинг ҳаракатсизланиб қолишига ва оқибатда қадрсизланишига олиб келади.

Яна бир бор таъкидлаш лозимки, кўплаб корхоналарнинг раҳбарлари маҳсулот жўнатишади-ю, лекин товар-моддий бойликлар ўз вақтида келиб тушушини назорат қилишмайди, ҳатто, товарлар ўз вақтида етказиб берилмаганлиги учун корхонанинг жарима солиш ҳуқуқидан фойдаланмаяптилар.

Бозорда талаб бўлмаган сифатсиз маҳсулотлар ҳамон ишлаб чиқарилмоқда, пудратчи ташкилотлар тўловга қобилиятсиз буюртмачиларнинг молиялаш манбалари бўлмаса ҳам қурилиш-монтаж ишларини бажаришни давом эттирмоқдалар. Айрим вазирлик, концерн, корпорация ва уюшмалар корхоналардаги бухгалтерлик ҳисобининг аҳволини етарлича назорат қилмаяптилар, бу эса ҳисоб юритиш ишларининг ўз ҳолига ташлаб қўйилишига, катта миқдордаги шубҳали қарзларнинг вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Бухгалтерия ҳисоби ана шундай ҳолда бўлган айрим хўжаликлар, ҳукумат томонидан бир неча марта топшириқ берилганига қарамасдан, қарзларни ўзаро қиёслаб текширишни амалга оширмаяптилар.

1995 йил 1 октябрдаги ҳолатга кўра «Бухорогўшт» акциядорлик жамияти бўйича дебиторлик қарзи 4124.5 минг сўмни ташкил этди, шундан 2 млн. сўми олдиндан ҳақ ундирмай маҳсулот жўнатилганлиги туфайли ҳосил бўлган. Мазкур акциядорлик жамияти 1995 йил августда Наманган шаҳар озиқ-овқат бирлашмасига 717 минг сўмлик маҳсулотни ҳақ олмасдан туриб жўнатди, унга 1995 йил ноябридагина, бор-йўғи 550 минг сўм миқдорида тўлов келиб тушди. Акциядорлик жамияти интизомсиз тўловчиларга маҳсулот жўнатишни ҳамон давом эттирмоқда. Улар Бухородаги «Холодильник» ва «Пиридасгир» савдо-ишлаб чиқариш акциядорлик жамиятларидир. Бундан ташқари, «Бухорогўшт» олдиндан ҳақ ундирмай, 18 та тижорат корхонасига 256,5 минг сўм миқдорида маҳсулот жўнатган.

Бухоро вилоятидаги «Ўздеҳқонқурилиш» бирлашмасининг «20-трест» акциядорлик жамияти бўйича 1995 йил 1 октябрда мол етказиб берувчилар ҳисоб варақлари бўйича дебиторлик қарзи 608.5 минг сўмни ташкил этган бўлса, 1 ноябрда у 9133 минг сўмгача кўпайди. Бирлашманинг муддати ўтган дебиторлик қарзлари жами 576.6 минг сўм бўлиб, шундан 9,6 минг сўми 1993 йилдан, 532,6 минг сўми 1994 йилдан буён тўланмай келмоқда. «20-трест» акциядорлик жамияти раҳбарияти муддати ўтган дебиторлик қарзларини ундириб олиш бўйича ҳеч қандай чора-тадбирлар кўрмаяпти, қиёслаш ҳужжатлари йўқ.

Бухоро вилоят трикотаж фабрикаси бўйича дебиторлик қарзлари 1995 йил 1 декабрда 33.8 млн. сўмни ташкил этди. Шу кунгача фабрика 25 та фирма дўконига 3108 минг сўмлик товарни олдиндан ҳақ ундирмай жўнатган. Красноярск шаҳридаги савдо уйига июль ойида 511 минг сўмлик трикотаж буюмлар юборилганлиги сабабли ҳам дебиторлик қарзи кўпайди. Қиёслаш ҳужжатлари атиги 80 фоизни ташкил этади. Трикотаж фабрикаси қарздорларга оид материалларни хўжалик судига топширмай, жарима солиш чораларини қўлламай, қарздорларнинг ўзига эътироз хатлари жўнатиш билан чекланган.

Бухоро ёғ-экстракция заводи бўйича дебиторлик қарзлари юзага келишининг асосий сабабларидан бири жўнатилган маҳсулотлар учун олдиндан 15 фоиз ҳақ ундирилган бўлса-да, маҳсулот жўнатилгандан сўнг қолган тўловларнинг ўз вақтида ундирилмаганлигидадир. 29645 минг сўмлик дебиторлик қарзлари мавжуд бўлишининг яна бир сабаби 9,9 млн. сўм миқдоридаги бартер битимларининг шартлари бузилиши ва 1995 йилнинг июнь-июлида Москва шаҳридаги «Маргарин» заводига 8,9 млн. сўмлик маҳсулот жўнатилиб, бунинг эвазига июль ойида фақат 6,2 млн. сўмлик маблағ етиб келиб, қолган 2,7 млн. сўмлик ҳақ ҳамон дебиторлик қарзларига айланиб ётганлигидадир. Корхонанинг яна бошқа хўжаликлар билан ўзаро юзага келган 5 млн. сўмлик дебиторлик қарзлари қиёслаш далолатномалари билан тасдиқланмаган. Шу вилоятдаги «Табиат саховати» акциядорлик жамияти ҳам бартер битимлар бўйича Москва шаҳридаги «Вит» масъулияти чекланган жамиятига 1995 йил август-сентябрда 1790 минг сўмлик томат паста, компотларни ўринга-ўрин шакар олиш мақсадида жўнатган. Бироқ шу пайттача шакар келиб тушмади.

Бундай ҳолатлар декабрь ойида ўтказилган ягона молия-ҳисоб-китоб кўнларида ва Президент Фармонининг Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри корхоналарида бажарилишини текшириш жараёнида ҳам аниқланди. «Таштекстильмаш» заводининг 1995 йил 21 декабрдаги ҳолатга кўра оператив маълумотлар бўйича 65,6 млн. сўм миқдорида дебиторлик қарзлари бор. Шундан жўнатилган товарларга оид қарзлар 27,2 млн. сўмни, жумладан, муддати ўтган қарзлар 19,7 млн. сўмни ташкил этди. Қиёслаш далолатномалари билан атиги 83 фоиз қарздорлик тасдиқланди, қолган 11,6 млн. сўмлик дебиторлик қарзлари қиёсланмаган. Эҳтиёт қисмларга оид қайтарилиши гумон бўлган 752 минг сўмлик қарз 1994 йилнинг июнь-ноябрь ойларидан бери Қозоғистон республикаси Чимкент шаҳридаги «Южтекс» акциядорлик жамияти зиммасида турибди.

«Ташхимсельмаш» заводи бўйича 1995 йилнинг 20 декабридаги ҳолатга кўра дебиторлик қарзлари 2790,7 минг сўмни, жумладан, муддати ўтган қарзлар 1829,1 минг сўмни ташкил этди. Мавжуд 36 дебитордан фақат 8 қарздор бўйича қиёслаш далолатномалари тузилган. Заводда қайтарилиши гумон бўлган 1604 минг сўм миқдорида дебиторлик қарзлари мавжудлиги аниқланди.

Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги «Қишлоққимё» корхонаси 26,7 млн. сўмлик, Қизилтепа пахта тозалаш заводи 11 млн. сўмлик, Хоразм вилоятининг Гурлан туманидаги «Намуна» жамоа хўжалиги 23 млн. сўмлик, «Деҳқонобод» жамоа хўжалиги 15 млн. сўмлик, Янгибозор туманидаги пахта тозалаш заводи 40,2 млн. сўмлик, Жиззах вилоятининг Фориш туманидаги «Туркистон» жамоа хўжалиги 24,3 млн. сўмлик, Дўстлик тумани «Дўстлик» ширкати 9 млн. сўмлик маҳсулотларни олдиндан 15 фоиз ҳақ олмай туриб жўнатганлар.

Қувасой туманидаги темир-бетон маҳсулотлар комбинати юқори ташкилотнинг топшириғига асосан олдиндан белгиланган миқдорда ҳақ ундирмай, маҳсулот жўнатгани сабабли дебиторлик қарзлари 1 июлга нисбатан 9,6 млн. сўм ошди ва 13,6 млн. сўмни ташкил этди. Андижон вилоятида текширув олиб борилган 25 та корхонада дебиторлик қарзлари 51 млн. сўм, Фарғонадаги 24 ташкилотда 12,2 млн. сўм, Қорақалпоғистондаги 78 ташкилотда 7 млн. сўм ортганлиги аниқланди.

Ўтган йилнинг ноябрь-декабрь ойларида Фарғона вилоятининг Бешариқ туманидаги «Қишлоққимё» корхонаси 33,1 млн. сўмлик, Хоразм вилоятидаги Янгибозор пахта тозалаш заводи 5,8 млн. сўмлик, Самарқанд вилоятининг Тойлоқ туманидаги Саидназаров номли агрофирма 1,1 млн. сўмлик, «Зарафшон» агрофирмаси 1,2 млн. сўмлик маҳсулотларни бартер бўйича қўшни давлатларга жўнатишлари ҳамда харидорларнинг шартнома шартларини бажармасликлари туфайли шунча миқдорда дебиторлик қарзлари ўсишига йўл қўйганлар.

Дебиторлик қарзлари юзага келишининг сабабларидан бири маҳсулот етказиб берувчининг олдиндан ҳақи тўланган товарларни ўз вақтида жўнатмаслигидан иборат. Яъни, ҳозирги вақтда Фармонга мувофиқ белгиланган аванс тўловларини ўтказган корхоналарга шартномадаги маҳсулотларни вақтида жўнатмаётган корхоналар ҳам учраб турибди. Бухоро вилоятидаги «Деҳқончиликтаъминоттузатиш» туманлараро ишлаб чиқариш бирлашмаси 1995 йилнинг 24 августида ўзаро ҳисоб-китоблар чоғида ҳисоб варағига келиб тушган маблағлар ҳисобидан 5 млн. сўмни эҳтиёт қисмлар олиш учун Тошкент бутлаш базасига ўтказган, лекин ўтган давр ичида атиги 2 млн. сўмлик эҳтиёт қисм олинди, қолган 3 млн. сўм маблағ дебиторлик қарзлари сифатида ҳисобда турибди.

Кўпгина вазирлик ва идоралар, уюшма ва корпорациялар, корхона ва ташкилотлар товар бозорларидаги вазият ўзгаришларини эътиборга олмаяптилар, товарларга бўлган талаб ва эҳтиёжни ўрганмаяптилар, бозор конъюнктураси ва нархлар ўзгаришини кузатиб бормаяптилар, бозор иқтисодиётининг шарт-шароитларига сустлик билан мослашяптилар. Шу боис халқ хўжалиги кўпчилик тармоқлари, айниқса, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқараётган корхоналарнинг маҳсулотлари бозор талабларига жавоб бермайди. Оқибатда маҳсулотларнинг катта бир қисми сотилмай, ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда савдо ташкилотларининг омборхоналарида тўпланиб қолмоқда, бу эса дебиторлик қарзлари ошиб боришига ва пировардида ишлаб чиқаришнинг қисқаришига, иш ҳақининг ўз вақтида тўланмаслигига жиддий сабаб бўлмоқда. Масалан, Навоий вилоятидаги «Синтепон» акциядорлик жамиятида 1996 йилнинг 1 январидаги ҳолатга кўра маҳсулотларнинг нархлари баландлиги ва истеъмолчилари тўловга қобилиятсизлиги сабабли 114,5 минг сўмлик касод моллар тўпланиб қолган. Натижада корхонада шу даврга келиб 814 минг сўмлик дебиторлик қарзлари бўлиб, ҳисоб варағида маблағ йўқлиги туфайли фақат ноябрь ойининг ярми учун иш ҳақи тўланган. Навоий вилоятидаги «Маҳаллий саноат» концернига қарашли корхоналарнинг кўпчилиги шундай аҳволда иш юритмоқда. Натижада бу концерн корхоналарида 1996 йилнинг 1 январидаги ҳолатга кўра, ўтмай қолган товарлар заҳиралари 6,8 млн. сўмликни ташкил этди.

Сурхондарё вилоятидаги «Умида» акциядорлик жамиятининг омборларида товар заҳиралари қолдиғи ҳамон кўпайиб бормоқда. 1995 йилнинг 1 январида 1805 минг сўмлик қолдиқ бўлган бўлса, 1 апрелга келиб, 2154 минг сўмликни, 1 июлда 3186 минг сўмликни, 1 декабрда 3950 минг сўмликни ташкил этди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар омборларда тўпланиб қолишининг асосий сабаби «Газмол», «Кийим» акциядорлик жамиятлари, вилоят матлубот жамиятининг базаси, Жарқўрғон, Денов ва Шўрчи туманлараро базалари каби асосий истеъмолчиларнинг тўловга қобилиятсизлигидадир. «Умида» акциядорлик жамиятининг вилоятдаги турли туманларда 6 та чакана савдо дўкони мавжуд бўлиб, ушбу савдо шоҳобчаларида товарлар нархи бозордагига қараганда анча юқорилиги, айрим товарлар, масалан, болалар ва хотин-қизлар ассортиментидаги маҳсулотлар моделлаштириш шакллари эскирганлиги туфайли ўтмай, тўпланиб қолмоқда. Оқибатда корхонанинг дебиторлик қарзлари кўпайиб бориб, бугунги кунга келиб, 260 минг сўмни ташкил этди. Шундан 153 минг сўми муддати ўтган қарзлардир. Бундай молиявий фаолият натижасида ва ҳисоб-китоб варағида маблағи йўқлиги сабабли ноябрь ва декабрь ойларида корхона ишчиларига 209,4 минг сўмлик иш ҳақи тўланмади.

«Ўзенгилсаноат» уюшмасига қарашли «Самарқандчарм» ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятининг 1995 йил 1 ноябридаги ҳолатига кўра, тайёр маҳсулот қолдиғи 26663 минг сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич 1 апрелга нисбатан 14612 минг сўм ошган. Корхона ҳисобидаги тайёр маҳсулотлар заҳираси бундай ўсиб боришининг асосий сабаби харидорларининг тўловга қобилиятсизлигидан ҳамда корхона томонидан чиқарилаётган маҳсулотларнинг харидоргир эмаслиги боис маҳсулотлар суст сотилаётганлиги туфайлидир. Бу эса ўз-ўзидан корхона қарзларининг кўпайишига олиб келмоқда. Ўтган йилнинг 1 декабрида жами дебиторлик қарзлари 16100 минг сўмни ташкил этиб, шундан 4496 минг сўми муддати ўтган қарзлардир.

Вилоятдаги шу уюшмага қарашли «Ҳужум» ҳиссадорлик жамиятининг 1995 йил 1 октябрдаги ҳолатига кўра, тайёр маҳсулот қолдиғи 27904 минг сўм бўлиб, йил бошидагига нисбатан уч баравар ошди. Сабаби: корхонанинг тўловга қобилиятсиз бўлган Марғилон «Хонатлас» фабрикасига маҳсулот жўнатганлигидадир. Корхонанинг ноябрь ойи учун ишчи ва хизматчилар иш ҳақи бўйича қарзи 800 минг сўм бўлиб, унинг ҳисоб варағида маблағи бўлмаганлиги туфайли маош тўланмасдан келмоқда.

Қашқадарё вилоятидаги «Ҳужум» жамоа корхонасида 2460 минг сўмлик тайёр маҳсулотлар қолдиғининг тўпланиб қолиши сабабли 1996 йилнинг 1 январдаги ҳолатига кўра, корхонанинг иш ҳақига оид қарзлари 1018 минг сўмни ташкил этган бўлиб, шундан 470 минг сўми ноябрь ойига, 470 минг сўми декабрь ойига тўғри келмоқда.

Юқорида таъкидланганидек, айрим хўжалик раҳбарларининг масъулиятсизлиги, қўпол тартиббузарликларга, айрим ҳолларда ўз шахсий манфаатларини жамоа манфаатидан, давлат манфаатидан устун қўйиб, турли суиистеъмолларга йўл қўяётганликлари, вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар банклар билан биргаликда жойларда етарли даражада ташаббускорлик билан иш олиб бормаётганликлари туфайли кўплаб корхоналар тўловга қобилиятсизлик, молиявий жиҳатдан банкротлик ҳолатига тушиб қолмоқда.

Ўтган йил давомида республика бўйича «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ тўловга қобилиятсиз деб топилган 149 та корхона фаолияти бўйича хўжалик судлари томонидан банкротлик юзасидан иш қўзғатилди. Хўжалик суди томонидан кўриб чиқилган 114 та хўжаликдан 55 таси банкрот деб эълон қилинди ва 17 та хўжаликни санация қилиш белгиланди. Корхона банкрот бўлди дегани бу корхонада ишлаётган ўнлаб одамлар ишсиз қолди, жамият эҳтиёжи учун керакли бўлган бирмунча маҳсулот ишлаб чиқарилмай ёки хизматлар бажарилмай қолди, банклар эса ўзининг мижозидан ва унинг фаолияти билан боғлиқ бўлган кредит ресурсидан, даромадидан ажралди деганидир. Шунинг учун ҳам вазирликлар, ҳокимликлар, тижорат банклари, энг аввало хўжаликларнинг ўзлари дебиторлик қарзлари вужудга келишининг олдини олиш борасида доимий равишда, кун сайин иш олиб боришлари зарур.

Айрим тижорат банклари муассасалари ва хўжалик органлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 2 июндаги «1995 йилнинг 1 чораги дастурининг бажарилиши ва биринчи ярим йилликда ислоҳотларнинг кутилаётган якунлари тўғрисида»ги Қарорининг корхоналар ва ташкилотлар дебиторлик-кредиторлик қарзлари аҳволини мунтазам таҳлил қилишга оид қисмини етарлича бажармаяптилар. Тижорат банклари ҳар ойлик бухгалтерия ҳисоботларига эга бўла туриб, хўжалик органларининг молиявий аҳволи тўла манзарасини била туриб, уларни кредитлашда кредит воситасида таъсир ўтказишнинг мавжуд восита ва усулларидан кенг фойдаланмаяптилар.

«Ўзенгилсаноат», «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув» уюшмалари, «Маҳаллий саноат» корпорацияси ва бошқа манфаатдор идоралар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини, уларнинг харидоргирлик даражасини аниқлаб, товарларнинг бозор талабига жавоб бермайдиган, ўтмай қолаётган қисмини арзон нархда сотиш ва бундан кўрилган зарарни хўжалик фаолияти натижалари ҳисобига киритиш масаласини кўриб чиқишлари зарур. Шунингдек, имкониятлар ва бозор талабларини ҳисобга олган ҳолда корхоналарнинг ишлаб чиқариш ихтисосини, мулк шаклини ўзгартириш ва тўловга қобилиятсизлик даражасидан чиқаришнинг бошқа йўлларини жорий қилиш керак.

Вазирлик ва идоралар, корпорация ва уюшмалар қисқа муддат ичида ҳар бир корхона бўйича ҳисобда турган умидсиз ва нореал қарзларни аниқлаб, улардан кўрилган зарарларни айбдор шахслардан ундириб олиши керак.

Жўнатилган маҳсулотлар, моддий-товар бойликлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматларга оид қарзларни камайтириш мақсадида корхона ва ташкилотлар ҳар ойда дебиторлик-кредиторлик қарзлари таркибини ўргана бориб, хизмат кўрсатадиган тижорат банкларига оператив маълумотлар тақдим этиши лозим. Йилнинг ҳар чорагида қиёслаб текширишлар далолатномалари мавжуд бўлишини таъминлашлари, олдиндан ундириладиган 15 фоиз ҳақдан юқорироқ миқдорда дебиторлик қарзи ҳосил бўлган тақдирда мазкур истеъмолчиларга қўшимча равишда маҳсулот жўнатишни тўхтатишлари, 60 кундан кўпроқ ҳисобда турган дебиторлик қарзларининг ҳар бир факти юзасидан мажбурий равишда қарзни ундириш тўғрисида зудлик билан хўжалик судига ариза беришлари шарт.

Жойлардаги тижорат банклари молия идоралари билан ҳамкорликда бухгалтерлик балансларини ва ҳисоботларини дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қиёслаб текшириш далолатномалари тасдиқланган ҳолларда қабул қилишни йўлга қўйиб, олдиндан 15 фоиз ҳақ ундирмай, маҳсулот жўнатиш фактлари аниқланганда, бундай хўжаликлар тўғрисида мунтазам равишда солиқ инспекцияси, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига, маҳаллий ҳокимият идораларига маълумот беришлари зарур.

**Абдулла АБДУҚОДИРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари,**

**Мамаризо НОРМУРОДОВ,**
**республика Марказий банки бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари,**

**Анвар ЖЎРАБОЕВ,**
**«Халқ сўзи»нинг махсус мухбири.**

